

ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Жазони ижро этиш муассасалари мисолида)

Насритдинов Азизхон Анварович*

ЎЗР ИИБ Академияси ўқитувчиси

Аннотатсия: Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда Қонунчилик нормаларида мавжуд бўшлиқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва “Жиноят-процессуал кодекси”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши таклиф этилган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, холис, жазони ижро этиш муассасаси, терговга қадар текширув.

Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятида (кейинги ўринларда ТҚФ деб юритилади) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланиши долзарб масалалардан биридир. ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ходимлари терговга қадар текширув ёки муайян жиноят иши доирасида тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда ТҚТ деб юритилади)ни ўтказиш жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш шарт. Бунинг учун қонунчиликдаги нормаларда юзага келган бўшлиқларни бартараш этиш ва зарур ҳуқуқий механизмларни амалий фаолиятга татбиқ этиш лозим. 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги №344-сонли Қонун¹ қабул қилиниб, сўнгги ўн икки йил мобайнида ушбу қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди. Хусусан, тезкор-қидирув тадбирларига ҳуқуқий таъриф берилди; ушбу қонун билан Жиноят-

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси о'қитувчиси. azizxonnasritdinov1989@gmail.com

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни №344-сон. <https://lex.uz/docs/2107763>

процессуал кодекснинг² нормаларини ўзаро уйғунлигини таъминлашда ТҚФни амалга оширувчи органлар ваколатининг чегараси аниқлаштирилди; ТҚФни амалга оширувчи органлар 4 тадан 7 тага кўпайтирилди; қонунда “банк сирига оид маълумот” жумласи киритилди ва маълумотлар тўплаш ТҚТ сифатида амалга оширилиши белгиланди; махсус ваколатли давлат органларининг кучлари ва воситалари билан ТҚТларини ўтказилиши белгиланди. Албатта бу ўзгартишлар ТҚФ соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тезкор бўлинмалардан маълум функцияларни бажарилишини талаб этади. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият бўлганлиги боис, ушбу масалага жиддий ёндашиб, ТҚФ ва ЖПК нормаларида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш лозим. Тадқиқ қилинаётган мавзу бўйича хориж қонунчилиги нормаларини мазмун-моҳияти таҳлил қилинганида ТҚФда инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид муҳим қоидалар белгиланганлиги жумладан, Осиё ва Европанинг айрим давлатлари қонунчилигига кўра, ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ўндан ортиқ қоидалар хусусан, асосий тушунчалар, тамойиллар, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқлари ва мажбуриятлари), ТҚТларини ўтказишнинг асослари, шартлари ҳамда ТҚФга кўмаклашувчиларнинг мақомини белгилашга доир қоидалар ўз ифодасини топган. Энг асосий ушбу ўзгартиришларнинг мазмуни ТҚФ тўғрисидаги қонунларининг ЖПК нормалари билан ҳамоҳанг эканлигидан далолат беради. Ушбу ижобий жиҳатларни қонунчиликка киритиш, ТҚФ ҳамда тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари таъминланишини билдиради. Бизнинг қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этилишида илғор хориж қонунчилигининг нормаларидан кенг фойдаланиш орқали ТҚФ тўғрисида қонун нормаси билан ЖПК нормаларини ўзаро мутаносиблигини таъминлаш лозим. Масалан, ЖПКнинг 73-моддаси **“Холислар”**да **“Холислар суриштирувчи, терговчи,**

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460#253696>

прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексида назарда тутилган ҳолларда чақирилади. Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган **фўқаро** чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради”, 74-моддада “Холис - тергов ҳаракатида иштирок этиш, тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш, ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Холис - суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши, тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт”лиги кўрсатиб ўтилган. 2017 йил 6 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-442-сон Қонунига³ биноан “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар” институти ЖПКга киритилган бўлиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ҳамда тергов органларининг ходимлари терговга қадар текширувни амалга ошириш ваколатига эга. Бу жараёнида ушбу мансабдор шахслар холислардан фойдаланади. Лекин ЖПКда холислардан фойдаланиш тергов органларининг суриштирувчиси ва терговчиси, прокурорга тегишли бўлиб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахси терговга қадар текширув вақтида, тезкор-қидирув тадбир ўтказишда холислардан фойдаланиши норма билан тартибга солинмаган. Масалан, Жазони ижро этиш муассасасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи ходимлар,

³ Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 6-сентябрдаги ЎРҚ-442-сон “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 943-модда.

тезкор ходимлар ва бошқа соҳанинг вакиллари холис(махкумлар)лардан фойдаланмоқда. Бу қонун нормаси билан тартибга солинмаган. Шу боис, “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахси”ни холислардан фойдаланишнинг қоидасини ЖПКнинг 73-моддаси 1 ва 2-қисмларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Агар суд кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ЖПК [158¹-моддаси](#) тартибида ўтказилган тинтувни ҳамда ЖПК [169-моддаси](#) тартибида телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришни, улар орқали узатиладиган ахборотни олишни қонунга ҳилоф равишда амалга оширилган деб топса, уларни амалга ошириш давомида олинган барча далиллар ЖПКнинг [95¹-моддасига](#) мувофиқ номақбул деб топилади ҳамда тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахс, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида қўмаклашувчи бошқа шахслар ҳамда вояга етмаган шахслар иштирок этган бўлса Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида 24.08.2018 йилдаги 24-сон “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғриси”да Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори⁴да кўрсатиб ўтилган

Бундан ташқари, Жазони ижро этиш муассасаларида жиноятларни аниқлаш ва фош этилиши кўпинча соат 22:00дан 06:00га қадар вақтларда содир этилиши ёки муассаса жойлашган жой аҳоли истиқомат қилувчи ҳудуддан олис бўлганлиги боис, тезкор-қидирув тадбирларнинг натижаларини расмийлаштириш (гиёҳвандлик, қурол савдоси ва бошқ.)да холисларни жалб этилишида қийинчиликлар бўлмоқда. Шу боис, аксарият ҳолларда тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишда соҳа вакиллари ҳар доимги холис фуқаро (махкумлар)лардан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг олдини олиш учун, ходимларнинг ишини самарали ташкил этишда ЖПК 73-моддаси 3-қисмига:

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 24.08.2018 йилдаги 24-сон <https://lex.uz/docs/3895986>

“истисноли ҳолларда холисларсиз тергов ҳаракати, тезкор-қидирув тадбир натижаларини видео тасвирга олинishi шарт” қондасини киритиш таклиф этилди.

ТҚФ тўғрисида қонун нормаси билан ЖПК нормаларини ўзаро мутаносиблигини таъминлаш лозим. Масалан, ЖПКда терговга қадар текширув институти жорий қилинган бўлиб, ИИОлари тезкор бўлинмалари томонидан терговга қадар текширувни амалга оширишда тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилмоқда, лекин бу ТҚФ тўғрисидаги қонун нормасида акс этмаганлиги боиз қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этилишида илғор хориж қонунчилигининг нормаларидан кенг фойдаланиш лозим.

Юртбошимизнинг “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг шартидир. Жамиятда демократия тамойиллари, қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Суд ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ишлари ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини оширмоқдамиз⁵” деб таъкидлаганлар.

Жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар объектив ва муқаррар равишда жиноятнинг содир этилишига олиб келадиган, ҳуқуқий аҳамиятга ега бўлган ҳодисалар мажмуидир⁶

Хулоса қилиб айтганда, ушбу йўналиш бўйича бир қатор камчиликларни бартараф этиш лозимлиги, ушбу йўналишларда ишни жадаллаштириш ва ижобий натижаларга эришиш учун Қонунчилигимиз ҳамда тегишли ҳуқуқ тартибот органларимиз билан бир қатор ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давр талаби бўлиб қолганлигини тан олишимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

⁵ Мирзиёв Ш.М Янги Ўзбекистон–Таррақиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022. – 42 б.

⁶ Насритдинов Азизхон Анварович “Жиноят сабаби ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили”, ЖОУРНАЛ ОФ НЕУ СЕНТУРЙ ИННОВАТИОНС, Волуме–67_Иссуе-5_Десембер-2024 <https://scientific-jl.org/index.php/new>

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни №344-сон. <https://lex.uz/docs/2107763>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
<https://lex.uz/docs/111460#253696>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 6-сентябрдаги ЎРҚ-442-сон “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 943-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 24.08.2018 йилдаги 24-сон <https://lex.uz/docs/3895986>
5. Мирзиёв Ш.М Янги Ўзбекистон–Таррақиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022. – 42 б.
6. А.А.Насритдинов “Жиноят сабаби ва уни содир этилишҳига имкон берган сҳарт-сҳароитларнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили”, ЖОУРНАЛ ОФ НЕУ СЕНТУРЎ ИННОВАТИОНС, Volume–67_Issue-5_December-2024 <https://scientific-jl.org/index.php/new>.
- 7 А.А.Nasritdinov-2025 O DAM SAVDOSINI OLDINI O LISH CHORALARI <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3114>,
- 8 А.А.Nasritdinov-2025 AXBOROT TEXNOLOGIYALARI YORDAMIDA NOQONUNIY GIYOHVAND SAVDOSINI FOSH ETISH: HUQUQIY VA TEXNIK JIHATLARI <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3113>,